

## АХМЕТ БАЙТУРСИНОВНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ

**Ярмухаммат МАДАЛИЕВ,**

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори Мухтор Ауэзов номидаги  
Жанубий Қозоғистон тадқиқот университети, Чимкент, Қозоғистон  
E –mail: madaliev\_61@mail.ru

### Annotation

*in the article, academician Akhmet Baitursinov's pedagogical activity and pedagogical ideas are disclosed.*

### Keywords

*growth, history, philosophy, science, linguist, pedagogy.*

### Аннотация

*в статье раскрываются педагогическая деятельность и педагогические идеи академика Ахмета Байтурсынова.*

### Ключевые слова

*рост, история, философия, наука, лингвист, педагогика.*

### Аннотация

*тақолада академик Ахмет Байтурсиновнинг педагогик фаолияти ва ўқув-педагогик гојалари очиб берилган.*

### Калит сўзлар

*юксалиш, тарих, фалсафа, олим, тилшунос, педагогика.*

Ахмет Байтурсинов XX аср машхур инсонларидан биридир. У серқирра олим, мутафаккир, файласуф. У эскиларга қарши чиқади ва унинг ахлоқ, эркинлик, цивилизация, фан, маданият, мамлакат, Ватан, халқ ва фалсафий категориялар бирлиги ҳақидаги қарашлари юксак руҳли одам эканлигини исботлайди. Бу ҳақида 26 ёшли Мухтор Ауэзовнинг «Ахаң ашқан қазақ мектеби, Ахаң түрлеген ана тили, Ахаң салған әдебиеттегі елшілік ұран», «Қазақ газетінің 1916 жылдағы қан жылаған қазақ баласына істеген еңбегі, өнер-білім, саясат жолындағы қажымаған қайраты, біз ұмытсақ та, тарих ұмытпайтыністер болатын» деган тарихий сўзлари тўлиқ далил

бўла олади. Бунинг ҳақиқат эканлигига ҳеч ким эътироз билдирмайди. «Элим-юртим» деб ўлим ўқидан қўрқмаган, ўз она халқини маданиятли давлатлар қаторига қўшиш учун курашган, мустақил ва маданиятли юртга айлантирган олижаноб фуқаро қизил империя қамоқхонасида вафот этди.

А.Байтурсинов буюк олим, қозоқ тилшунослигининг асосчиси, шоир ва таржимон, ўқитувчи, адабиёт назариётчиси, давлат арбоби, юртнинг асл фарзанди, давлатнинг содиқ фуқароси.

XX асрда Қозоғистонда инновацион педагогик ғояларнинг ривожланиши А.Байтурсинов номи билан боғлиқ. Ёш авлодни маънавий-эстетик тарбиялаш, таълим усуллари ва шакллари такомиллаштириш, олий таълим тизими ҳамда бошланғич мактаб масалалари А.Байтурсинов кўриб чиққан масалалардан бири эди.

У қозоқ болаларини билим олишга рағбатлантирди ва уларга илм ўргатди. У жаҳолатга қарши курашди ва адолатсиз чор ҳукуматининг зўравонлигига қарши курашди. И.Криловнинг 40 та масалини қозоқ тилига таржима қилиб, уларнинг ҳар бирига ўша подшолик давридаги холис ҳаётдан мисоллар келтирди, қозоққа подшолик ҳукуматининг жабрлари ҳақида гапириб берди ва мисоллар келтирди. Қозоқ халқининг ор-номусини ёқлаб, «Маса» номли шеърлар тўпламини чоп этди. Шу билан бирга «Үлкендерге арналған әліппе», «Қызыл әскерге арналған әліппе», қозоқ тилини ўқитиш бўйича ўқитувчиларга аталган «Баяншы», «Хрестоматия» номли кўплаб асарлари бўлганини таъкиблаб ўтиш зарур.

А.Байтурсинов ўз она халқининг илм ва билимига интилишини истаган, ҳар бир қозоқ ҳеч бўлмаганда бошланғич таълимга интилиши лозимлигини уқтирган. «Инсонга тил, қулоқ қай даражада керак бўлса, бошланғич мактаб ҳам, билим ҳам шу даражада керак», деб ёзади у.

У қозоқ бошланғич мактабларида қандай фанларни ўқитиш кераклигига алоҳида эътибор қаратди, бу ўқиш, ёзиш, дин, миллат тили, миллат тарихи, ҳисобот, деҳқончилик, хунармандчилик, жуғрофия, ижод бўлиши кераклигини кўрсатди.

Ахмет Байтурсинов ўзининг кўп йиллик ўқитувчилик тажрибасига асосланиб, қозоқ мактабларининг энг катта эҳтиёжи бўлмиш дарслик ёзиш билан шуғулланди. Бунинг учун улар биринчи навбатда қозоқ тилининг фонетик товуш тизимини ўрганишга киришдилар. Қозоқ болаларининг саводини чиқариш учун «Әліпби» ва она тилини ўргатадиган «Тіл қўралын» ни ёзишдан олдин, биринчи навбатда, ёзма графикани тўғирлашдан бошлаш зарурлигини ҳис қилган А.Байтурсинов, 1912-йилдан бошлаб «Айқап» журнали ва «Қазақ» газеталари саҳифаларида араб рамзлари белгиларини ва лингвистик атамаларни киритди.

1912-йилда Оренбургда чоп этилган «Қазақша әліппе», «Оқу қўралы» аҳоли саводхонлигининг асосий воситасига айланди. Ушбу дарслиқда ҳам саводхонлик, ҳам миллий дунёқарашни рўёбга чиқариш мақсадлари кўзда тутилган. Масалан:

қавму-қариндош, озиқ-овқат, қушлар, идишлар, чорва моллари, дарахтлар номлари, кишилар исмлари талаффузи келтирилади. 1926-йилда ушбу алифбо қайта ишлаб чиқилган ва қозоқ халқининг саводхонлик мактабининг асосий воситасига айланган.

А. Байтурсинов – Қозоғистондаги психологик фикр вакилларида бири. Унинг илмий асарлари ҳаракатлар, ақл, билиш, қобилият ва бошқа психологик тушунчалар билан боғлиқ. Масалан, «Қазақша әліппе», «Оқу құралы» китобларида, унинг топшмоқлар, айтишув, дуолар, мақоллар, адабий танқид соҳасига оид фикрларида халқ психологиясида талаб қилинадиган услубий тушунчалар етарли.

1928-йилда мамлакатдаги биринчи Қозоқ педагогика институтининг очилиш маросимида қозоқ халқининг истеъдодли ўғилларидан бири Ахмет Байтурсиновнинг нутқларидан бу буюк шахснинг яна бир қиррасини очиб бериши мумкин эди. Унинг фикрича, «Қозоғистон институтининг очилиши етук аҳолининг юқори маданиятга эришиш зарурлигининг кўрсаткичидир». У ўқитувчилик касбининг хусусиятлари ва моҳиятига чуқур кириб борган, касбий педагогика, ўқитувчиларнинг болаларни ўқитишга ахлоқий ёндашувлари ва кўникмаларини муҳим деб билган.

Маълумки, 1928-йилда Олмаотада Абай номидаги ўқитувчилар тайёрлаш институтини очилди. Худди шу институтнинг таклифига биноан Ахмет у ерда қозоқ тили ва адабиёти кафедрасининг профессори бўлиб ишлайди.

Ўқитувчи олим ўзининг «Оқыту жайынан» маърузасида тарбиявий ишнинг учта нарсага асосланишини таъкидлаб ўтади: пулга, ўқув қуролларига, ўқитувчига. Агар бу учта устун тенг бўлса, ўқиш оғишсиз тўғри йўлдан боради. Ушбу учлик мувоzanати бузилса, юк каби илмий иш ҳам оғиб кетади.

*Жән көрсеттім қазақ деген намысқа,*

*Жол сілтедім жақын емес алысқа.*

*Өзге жұрттар өрге қадам басқанда,*

*Дедім, – сен де қатарынан қалыспа!*

– деб аччиқ бўлса ҳам хақиқатни айтиб ўтган Ахмет Байтурсиновнинг «Әліппесі», «Әліп-би», «Сауат ашқыш» каби дарсликлари кейинги авлод меросида ҳам асосий бўлиб қолмоқда.

Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий қўмитаси томонидан бегуноҳ жазога тортилган қурбонларни реабилитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам ўз вақтидаги чора бўлди. Бугун ахметшунослик таълимоти бошлангани юракка илиқлик киритади. Мураккаб олимнинг умри, адабий, педагогик мероси ҳақида А.Қайдаров, Р.Сиздиқова, С.Кенгесбаев, К.Мухамеджанов, Р.Нурғалиев, Г.Анесов, Б.Баигалиев, Ш.Сатбаева каби жиддий асарлар ёзган. Академик А. Қозибоев Аханнинг тарихий ўрнини кўрсатувчи илмий хулосалар билан тўлдирилган асар ёзган бўлса, яна битта академик Қ.Сағадиев Ахмет Байтурсиновнинг иқтисо-

диёт ҳақидаги мулоҳазалари батафсил баён қилинган асарини нашр эттирди.

Шундай қилиб, бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Агар биз ахметшуносликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни истасак, кўпроқ тадқиқотларни олиб боришимиз керак деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

---

1. Қазақ халқының тәлім-тәрбие тарихынан / Бас.ред. С.Қалиев. – Алматы,1992.
2. Жарықбаев Қ.Б., Қалиев С.Қ. Қазақ тәлім-тәрбиесі. – Алматы: Санат, 1995.
3. Қалиев С.Қ. Қазақ этнопедагогикасының теориялық негізі мен тарихы. – Алматы: Ғылым, 1998.
4. Бес ғасыр жырлайды. Альманах / Құраст. Мағауин. – Алматы: Жазушы. 1991. –Б. 125-141.
5. Ахмет Байтұрсынов. Таңдамалы шығармалар. 2 т. –Алматы, 2003.